

МИЛЛИЙ МАРОСИМЛАРГА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР ТАЪСИРИ

Рахмонова М.Х.

ҚарДУ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7296705>

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқининг қадимдан шаклланган маросимлари, жумладан, ҳомиладорлик, туғилиш, суннат ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ урф-одатлар ҳамда матом маросимлари тадқиқ этилган. Шунингдек, уларда ифодаланган тўйгу, ишонч ва эътиқодлар хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: маросимлар, ҳиссиётлар, эътиқодлар, исми жисмига мос, чилла, суннат, совчи, фотиҳа тўйи, никоҳ, матом.

ВЛИЯНИЕ ДРЕВНИХ РЕЛИГИОЗНЫХ ВЕРОВАНИЙ НА НАЦИОНАЛЬНЫЕ ОБРЯДЫ

Аннотация. В данной статье исследуются древние обряды узбекского народа, в том числе обычаи, связанные с беременностью, родами, обрезаниями и свадьбой и траурные обряды. Также размышляется о чувствах, убеждениях, которые они выражают.

Ключевые слова: церемонии, чувства, верования, название соответствует телу, чилля, обрезание, сваха, благословение свадьбы, брак, траур.

INFLUENCE OF ANCIENT RELIGIOUS BELIEFS ON NATIONAL RITES

Abstract. This article explores the ancient rituals of the Uzbek people, including the customs and mourning rituals related to pregnancy, birth, circumcision and weddings. They also reflect on the feelings, beliefs and beliefs expressed them.

Keywords: ceremonies, feelings, beliefs, matchings the name with the bode, circumcision, matchmaker, blessing wedding, marriage, mourning.

КИРИШ

Ҳар бир халқнинг ўзига хос, бошқаларникидан фарқ қиладиган урф-одат ва маросимлари бўлади. Инсонларнинг у ёки бу моддий ҳамда маънавий эҳтиёжлари туфайли вужудга келадиган маросимлар муайян халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Маросимларнинг ҳар бирида турмушнинг қайсидир томонлари ҳис-тўйгу, эътиқодга асосланган рамзий ҳаракатларга асосланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Инсонлар ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган туғилиш, исм қўйиш, никоҳ ва ўлим билан боғлиқ маросимларда фақат тафаккургина эмас, балки ҳиссиёт ва руҳият билан боғлиқ муҳим босқичлар муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг кўпи келиб чиқишига кўра қадимий эътиқодлар ва диний қарашлар билан боғлиқдир. Машҳур инглиз файласуфи К. Доусоннинг таъкидлашича, қон-қариндошлик, никоҳ ва оила билан боғлиқ барча институтлар ва маросимлар диний келиб чиқиш тарихига эга.

Ўзбеклар орасидаги аёлнинг ҳомиладорлик даври билан боғлиқ урф-одатларга кўра, она ўз ҳомиласини ёвуз кучлар таъсиридан омон сақлаши учун муайян тақиқларга амал қилиши лозим. Чақалокнинг соғлом ва тетик бўлиб ўсиши унинг она қорнидалиқ давридаёқ бало-қазолар, ёмон руҳлардан қанчалик эҳтиёт қилинишига боғлиқ. Анимистик

этикодлар асосида пайдо бўлган ушбу қоида ёки тақиқларга мувофиқ хомиладор аёлнинг қоронғида ёлғиз юриши, боласи ўлган ёки туғмайдиган хотинлар изини босиш маън қилинган. Ҳомиланинг соғлом ўсиши, ўз вақтида дунёга келиши учун оғирроқ аёл туя гўштини ейиши мумкин эмас.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Чақалоқ туғилиши пайтида бола ва онага турли инс-жинслар зиён етказмасин деб аждодлар руҳига бағишлаб оқ мато, бир коса ун ва пул бағишланган. Қолаверса унинг тўлғоқ тутаётганлиги ҳеч кимга, хаттоки кўшнилларга ҳам билдирилмаган. Агар бу ҳақда бошқалар эшитиб қолсалар туғиш чўзилиб, қийин кечади деган тушунча мавжуд бўлган.

Туғилган чақалоқнинг киндиги доя момолар томонидан умри узун, ризқи бутун бўлсин деган ниятда юқорига қараб кесилган. Хоразм ўзбекларида эса анча вақт боласи турмаган аёллар фарзандли бўлганларида чақалоқ киндиги хонадон остонасига қўйилиб болта ёки ўроқ билан кесилган. Одатда бундай чақалоқларга Остонақул деб исм қўйилган.

Кўп жойларда чақалоқ киндигини кесган доя момолар уни бирорта охорли матога ўраб бешикнинг оёқ тарафи қасқонига боғлаб қўйганлар. Бунда чақалоқ униб ўссин, бевақт нобуд бўлмасин деган мағик ният мужассамлашган. Қолаверса боланинг киндиги бешикка осиб қўйилса бола ўз жисмидан ажралган бўлакни излаб йиғламас экан.

Бола киндиги жуда эҳтиёт қилинган. Чунки чилла даврида киндик йўқолиб қолса бола турли касалликларга чалинади деган қўрқув бўлган. Чақалоқ киндиги маълум вақтдан сўнг мевали дарахт тагига кўмилган. Мевали дарахт дунё халқларида яқин ўтмишга қадар ҳосилдорлик маъбудасининг рамзи ҳисобланган.

Кишиларга исм қўйиш инсониятнинг энг улуғ одатларидан бўлиб, унинг тарихи - тотемизм, фетишизм, афсунгарлик, аждодлар этикоди каби қадимий диний этикод ва топинишлар билан ҳам боғлиқ. Шу боис янги туғилган чақалоққа исм қўйишга алоҳида эътибор қаратилган. Баъзи исмлар болага оғирлик қилади, деган мулоҳазага ҳам борилган. Ҳатто бола улуғ, оғир номни кўтара олмай бахтсизликка учраши мумкин, дея ирим қилинган. Чақалоққа муносиб исм танлашга “исми жисмига мос” бўлишига ҳаракат қилинган. Қолаверса боланинг соғлиги, яшаб кетиши, келгуси бахти унга қўйиладиган исм билан боғлиқ бўлади, деб ҳисоблашган. Бинобарин, чақалоққа мувафақиятли танланган ном унинг тақдирини ўзида мужассамлаштиради, киши ўз исмига ўхшайди, деб ишонилган.

Натижада одамлар “хосиятли” (қутлуғ) ва “хосиятсиз” исмлар бўлади, исм одамни ўзаро фарқлаш, аташ учунгина эмас, балки уни турли бало-қазолардан асрайдиган, муҳофаза қиладиган восита деб билишган. Шу туфайли оилада фарзанд бирин-кетин нобуд бўлаверса фарзандга Турсун, Тўхтасин, Ўлмас, Турди, Турғун, Турғуной, Эргаш, Йўлдош, Маҳкам каби исмлар қўйилган.

Қадимий диний этикодларга асосланиб кўкка (осмонга) - Ой, Кун (Қуёш) ва бошқа осмон жисмлари кудратига сиғиниш асосида Ойхон, Ойқиз, Юлдуз, Хулқарой, Чўлпоной, Қуёшбек, Тангриберди каби исмлар пайдо бўлган. Баъзида муқаддас деб улуғланган ҳамда сиғинилган ҳайвонлар, жониворлар, қушларнинг номларидан ҳам исмлар ясалган. Бундай исмлар гуруҳига Бўривой, Арслон, Лочин, Бургут, Қўчқор, Шерзод каби исмлар киради.

Баъзи чақалоқлар баданидаги қандайдир ортиқча: хол, тож, қизил тамға, ортиқча бармоқ ва бошқа белгилар билан туғилади. Бу белгилар болаларга исм беришда ҳисобга олинмаса улар боланинг соғлигига, ҳаётига, келажагига хавф туғдиради, деб тушунилган. Бундайларни ўз номи билан туғилган бола, деб ҳисоблашган ва уларга ўша ортиқча белгилар номидан ясалган исмлар қўйилган. Чунончи Холбой, Холбиби, Анор, Анорвой, Анорхон, Тожи, Тожихон, Тожигул, Ортиқвой, Норбой, Норжон, Очил ва бошқалар.

Халқ тасаввурида чақалоқ ва унинг онасининг инс-жинслар таъсиридан эсон-омон сақланиши уларнинг чилла даври (форсча - қирқ деган маънони билдиради) тартиб-қоидаларига қанчалик риоя қилишларига боғлиқ бўлган. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг масъулиятли даврни англлатувчи атама ҳисобланади. Одатда фарзанд туғилганда ва келин-куёв никоҳидан, марҳумнинг вафотидан кейинги 40 кунлик даврига нисбатан чилла атамаси қўлланилади ва бу даврда маълум тартиб-қоидалар, магик расм-русумлар, чеклашлар ва табуларга амал қилинади.

МУҲОКАМА

Мамлакатимизнинг кўпгина жойларида чақалоқни кўргани келган меҳмонлар чиллани аёл билан кўл бериб кўришмайди. Ушбу табу замирида кўргани келган одамларнинг зиёидан сақланиш ғояси мужассамлашган. Она- бола ётган жойга ёвуз кучлар, ёмон кўзлардан ҳимоя воситаси сифатида пичоқ, кўзгу (ойна), қалампир, кулча, турли-туман диний китоблар қўйилган. Чиллани уйга бепушт аёллар, бегона кишилар киритилмаган, хонадон чироғи ўчирилмаган ва ҳоказо.

Ўзбек оилаларида болани илк бора чўмилтириш ҳам ўзига хос маросим тусини олади. Кўп жойларда бунинг учун махсус сув тайёрланади, яъни уй иссиқлигида илитилган сувга туз, шакар, танга ва эски пахса девор тупроғи солинади. Сўнгра чақалоқ тоғорага ўтқазилиб, махсус тайёрланган сув унинг устидан аввал ўнг тарафидан сўнгра эса чап томонидан қирқ томчидан қуйилади. Сувга солинган ашёлар хосияти шундаки, туз гигиеник жиҳатдан чақалоқ терисини қотиради ва турли тошмалар ҳамда касалликларнинг олдини олиши билан бирга тўкин-сочинлик ва ризқ-насиба рамзидир; шакар эса чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунларини ширин ўтишига қаратилган магик ниятда қўшилган; танга бўлса бойлик, давлат рамзи бўлган: эски пахса девор тупроғи танани турли ўсимталардан сақлайди. Чақалоқ маросимий тарзда чўмилтирилгандан сўнг ҳатто уни ювинтиришга ишлатилган сув ҳам оёқ остига эмас, балки бирор бир мевали дарахт остига тўкилган. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, чақалоқни биринчи марта маросимий чўмилтириш уни нафақат гигиеник жиҳатдан покланишини англлатган, балки рамзий маънода уни бир оламдан иккинчи оламга ўтиши, яъни уни “табиат” оламидан инсонлар дунёсига ўтишини ҳам англлатган. Бола маросимий тарзда ювинтирилгандан сўнггина оиланинг расмий аъзоси ҳисобланган.

Умуман олганда, ўзбек халқи оилавий маросимларида 40 сони тасодифий эмас, у бир ёш босқичидан иккинчисига ўтиш даври ҳолатининг миқдор-сифат кўрсаткичини англлатган. Айнан қирқ кундан кейин чақалоқ табиат оламидан инсонлар оламига ўтган ва она маросимий нопокликдан ўзининг олдинги ҳолатига қайтган. Қолаверса, мотам маросимларида айнан қирқ кундан сўнг, вафот этган одамнинг руҳи бу дунёни буткул тарк этар экан.

Ўзбек халқида болани бешикка белашда ҳурматли-эътиборли, ували-жували, никоҳи бузилмаган аёллар танланган. Булардан бири доя момо (энага) ёки ўзининг катта

бувиси бўлиши лозим бўлган. Болани бешикка белашда “қўркмас ботир бўлгин, соғлом ўсгин, узоқ яшагин!” деб турилади. Шу тарзда бола бешикка беланиб, қўл-оёғи боғлангандан кейин атрофдагилар бешик устидан турли ширинликлар ҳамда ўрик, жийда, писта, бодом каби мевалар сочилган. Ушбу сочқилар маросим қатнашчилари томонидан териб олиниб, ўз фарзандларига яхши ниятлар билан улашилган.

Чақалоқнинг дастлабки “қорин сочи”ни олиш ҳам катта тантанага айланган. Аждодларимиз “сочда одамнинг жони, куч-қудрати, магик қуввати мужассамлашган” деб тасаввур қилганлар. Улар боланинг қорин сочларини олишдан чўчиб, пиру бадавлат, кўп фарзандли, кекса ёшли онахонларимизга олдирганлар ва уни асраб-авайлаб мевали дарахт тагига кўмганлар.

Соч билан боғлиқ бундай одат дунёнинг кўплаб халқларида сақланиб қолган. Дунё халқлари этнографиясига оид адабиётларда соч магияси билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди. Машҳур элшунос И. Фрезеннинг ёзишича, ибтидоий одам ўзининг сочини танасининг ажралмас қисми, яъни жонли нарса деб билган. Сочи олинган одам ўзининг магик қудратидан маҳрум бўлади, деб тушунилган. Шу боис улар сочни асраб, авайлаганлар, унинг оёқости бўлмаслигига ҳаракат қилганлар. Қабила бошликлари, коҳин ва шомонлар эса баъзан умр бўйи соч олдиришга ҳақлари бўлмаган, узун сочли одам тангри назари тушган улуғ зот саналган. Таниқли ўзбек фольклоршунос олими М.Жўраевнинг ёзишича, ана шундай мифологик қарашлар халқимиз орасида соч билан бевосита алоқадор бўлган “кокил тўйи”, “хайдар қўйиш”, “соч сийпатар” сингари магик характердаги удумларинг юзага келишига асос бўлган.

Шунингдек, айрим жойларда бепушт, боласи турмаганлар туғилган фарзандларининг “қорин сочлари”ни олдирганларида муқаддас кадамжоларга, зиёратгоҳларга бағишлаб бир тутам “кокил” қўйиш одати мавжуд. Бунинг замирида фарзандимнинг умри узун бўлсин, унга зиён-заҳматлар озор етказмасин деган эзгу ният мужассамлашган. Кокил олиш вақтда ўша аёл қариндош-уруғлари билан жонлиқ олиб келиб қурбонлик қилган. Қўйнинг ўнг оёғи фарзанд тилаб берган шайхга аталган. Шайх бола кокилини олиб қўйган. Фарзанди кокилини ташлаб кетишни истамаган аёл шайхдан боласи кокилини ўзига қайтариб беришини сўраб кокилга атаган маълум миқдордаги пулни берган.

Ўзбекларда айниқса ўғил боланинг суннат тўйлари жуда катта тантана қилинади. Халққа уч кунлаб ош бериш, катта кураш, улоқ мусобақаларини уюштириш, турли ўйин ва томошалар айнан суннат тўйида уюштирилади. Қолаверса, сунат тўйларида ҳам халқ магияси эсдан чиқарилмайди. Суннат тўйлари асосан боланинг тоқ ёшларида, яъни уч, беш, етти, тўққиз ёшларида ўтказилган. Бунинг сабаби, хатна жуфт ёшларда қилинса, болага бахтсизлик келтирар эмиш. Суннат тўйларидаги ёшнинг тоқ бўлиши, биринчидан, боланинг умри узоқ бўлишини, иккинчидан, фарзандни суннат қилдиришдек бахт ота-она учун давомли бўлишини англатади. Чунки тоқ нарса жуфтликка тўлишга интилади. Жуфтликка тўлиш эса камолотни англатади.

Ўзбек халқининг қадимий расм-русумлари, дунёқараши, орзу интилишлари, ишонч-эътиқодлари, турмуш тарзи ва фалсафий қарашларини асрлар давомида ўзида мужассамлаштирган энг жозибали маросимларидан бири - никоҳ тўйидир. Никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар ҳам хилма-хил бўлиб, бунда янги оиланинг хотиржамлиги ва фаровонлигини таъминлаш, келин-куёв, қайнона-келин ўртасида илиқ муносабат ўрнатиш

мақсадида, шунингдек, келин-куёвнинг серфарзанд бўлишларини тилаб турли ирим-сиримлар ўтказилади. Никоҳ тўй маросимларини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчилик ҳисобланади. Совчилар тўғрисидаги илк маълумотлар VII-VIII асрларга оид Ўрхун-Энасой битикларида учрайди. Буюк давлат арбоби Тунюкқ (VII аср) битиктошида "сов" - калимаси саб-сўз, гап маъносида ишлатилган. Ирқ битиги (фол китоби) да эса "саб" - сўз, "сабчи" - хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган. Ўрта асрлар машҳур тилшуноси Махмуд Қошғарий бу хусусда “совчи - келин ва куёв орасида бир-бирига хабар элтувчи” - деб ёзган. Демак, бундан совчилик удуми узоқ ўтмишда ҳам мавжуд бўлганлигига амин бўламиз.

Совчилар ишни битириб келганларида бўлғуси куёвга “иш битди, энди келинга сирға олиб кел” - дейишган. Аёллар қулоғига тақадиган сирғалар дастлаб афсунгарлик аҳамиятига эга бўлган. Метал буюмларнинг қадимги тасаввурлардаги аҳамияти ҳақида Э.Тайлор: “Шарқ жинлари темирдан кўрқадилар”, - деб ёзганди. Вақтлар ўтиши билан сирға тақиш одати туркий халқларда янги-янги маъно касб эта борган. Туркий халқлар ҳаётини ўрганган В.В.Радлов “қадимий туркийларда балоғатга етган қизларга сирға тақишади ва улар сирғали, яъни қайлиқ ҳисобланишади”-деб ёзиб қолдирган. Айнан фотиҳа тўйидан бошлаб, бўлғуси келин-куёвлар бир-бирларининг қариндошларини учратиш қомасликка ҳаракат қилишган.

Сўнгра, маросимлар фотиҳа тўйида куёв тарафидан келиннинг хонадонига келган меҳмонларга “ширин сув” улашиш билан давом этади. Ушбу одат ёшларнинг турмуши ширин, тотли бўлсин деган ниятда қилинади. Никоҳ куни бажариладиган “оёқ босиш”, “ойна кўрсатув”, “соч сийпатар” каби удумлардан ҳам ўзига хос сиру синоатлар ифодаланган.

Энг қизиғи ушбу маросимларда ишлатиладиган нон, тухум, ширин сув, сут, кўзгу, пичоқ сингари буюмлар ҳам афсун кучига эга ҳисобланади.

Халқимизнинг мотам маросимларида ҳам кўплаб қадимий диний эътиқод ва қарашлар таъсири сақланиб қолган. Жумладан, жон бераётган одамнинг оғзига сув томизиш туриш зардуштийлик одатидир. Мотам маросимларидаги йиғи (бўзлов, бўзлаш, марсия айтиб йиғлаш) ҳам қадимий зардуштийлик анъаналари билан боғлиқдир. Эътиборли жиҳати шундаки, гарчи халқимизнинг ислом динига эътиқод қила бошлаганига ўн икки асрдан ошган бўлсада ўлим ва дафн маросимларида зардуштийлик ва бошқа қадимий диний эътиқодлар излари ҳанузгача сақланиб қолаётганлиги халқ хотирасининг ва у билан боғлиқ маросимлар яшовчанлигининг намунаси.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, қадимий тарихга эга бўлган ўзбек халқи турмуш тарзида ҳам тарихий тараққиётнинг турли босқичларида қувончли ва қайғули дамларини ифода этувчи кўплаб маросимлар шаклланиган. Уларни ўрганиш орқали халқимизнинг қадимий дунёқараши, орзу интилишлари, эътиқодлари, турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафасидан воқиф бўламиз.

REFERENCES

1. Ashirov A. O'zbek xalqining qadimiy e'tiqodlari va marosimlari. -T. 2007.
2. Bekmurodov M. O'zbek mentaliteti. -Toshkent:Yangi asr avlodi, 2004.
3. Murodov M., Qoraboyev U., Rustamova R. Etnomadaniyat. Toshkent: Adolat, 2003.

4. Jabborov I. O'zbeklar: turmush tarzi va madaniyati. -Toshkent:O'qituvchi, 2003.
5. Qoraboyev U. Soatov G'. O'zbekiston madaniyati. -Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2011.
6. www.ziyonet.uz
7. www.google.ru
8. www.fikr.uz